| UZDIGITAL TV | Жисмоний шахслар билан пулли рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш шартномаси (Муддатли тўлов асосида) | | | ш.<br>Шартномани тайёрлади: | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Шартнома рақами | Шартнома тузилган сана | Шаҳар (шартнома тузилган жой) | Шахсийҳисоб рақам |

**Бир томондан «UZDIGITAL TV» МЧЖ, кейинги ўринларда “Провайдер” деб юритилувчи номидан Низом ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологияларни ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлиги томонидан 04.02.2022 йилда берилган АА 0007359-сонли Лицензия асосида ҳаракат қилувчи ______________________________ ва иккинчи тарафдан “Абонент” деб юритилувчи ____________________________, биргаликда “Тарафлар” деб юритилувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:**

| | |
|---|---|
| **Абонент (Ф.И.Ш.):** | |
| **Паспорт маълумотлари:** | |
| **Алоқа телефонлари:** | |
| **Манзил (Доимий, вақтинчалик прописка манзили):** | |

## 1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЕРМИНЛАР

**1.1. Провайдер** - «UZDIGITAL TV» МЧЖ, рақамли телевидение оператори тармоғи орқали тижорат асосида Ер усти рақамли телевидение хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

**1.2. Абонент** – Провайдер билан мазкур Шартномани тузган, Хизматларни тўлаган ва мазкур Шартномада белгиланган шартларда Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс.

**1.3. DVB-T** – ер усти рақамли эфирга узатиш стандарти (Digital Video Broadcasting Terrestrial).

**1.4. Абонентлик ускунаси** – Абонентга ўрнатиладиган, техник талабларга ҳамда Провайдернинг шартли фойдаланиш тизими талабларига мувофиқ келадиган Провайдер Хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи техник қурилмалар жамланмаси. Абонентлик ускунаси тегишли тарзда ўрнатилиши керак бўлиб, Абонент томонидан муддатли тўлов асосида тўлаш шарти билан харид қилиниб, 100% тўланганидан кейин Абонент мулкига айланади. Абонентлик ускунасига қуйидагилар киради:

**1.4.1. Сарфланадиган материаллар** коаксиал кабель RG-6 (75 Ом), штекер, коннектор, ДМВ диапазонидаги антенна;

**1.4.2. Set-Top-Box (STB)*** - рақамли телевидение сигналини қабул қилувчи ва уни декодловчи телевизион қурилма (қўшимча мослама);

**1.4.3. CAM-модуль*** - ички DVB-T/T2 тюнерга эга телевизорларда рақамли телевидение телеканалларининг пуллик пакетларидан фойдаланиш учун зарур бўлган қурилма;

**1.4.4. Смарт-карта** - Абонентни индивидуаллаштириш имконини берувчи ва унинг Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминловчи микропроцессор ўрнатилган электрон карта.

**1.5. Хизматлар** – Абонентга қонунчилик томонидан ўрнатилган тартибда шартнома асосида ер усти рақамли телевидениесининг пуллик телеканаллар пакетидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш.

**1.6. Қўшимча хизматлар** – Абонентлик ускунасини монтаж қилиш, созлаш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича пуллик иш турлари, шунингдек Провайдер томонидан тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ Абонентга тақдим этиладиган бошқа пуллик хизматлар.

**1.7. Телеканаллар пакети** - Провайдер томонидан ўрнатилган, Абонент томонидан танланган, мазкур Шартнома шартларида фойдаланиладиган телеканаллар тўплами.

**1.8. Уланиш** – Абонентни индивидуаллаштириш ва шартли картасиз (смарт картасиз) ишлайдиган абонент ускуналаридан фойдаланган тақдирда, унга Провайдер хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хизмат.

**1.9. Сайт** - www.uzdtv.uz манзилида жойлаштирилган, Провайдернинг Интернет тармоғидаги расмий сайти, унда «UZDIGITAL TV» МЧЖ ҳақида зарур маълумотлар мавжуд (мақсадлари, хусусиятлари, алоқа учун маълумотлар, Шартнома ва унга киритиладиган ўзгаришлар, шартлар, тарифлар, хизматлар ва бошқа маълумотлар).

**1.10. Шахсий кабинет** – Абонентнинг Провайдер сайтида жойлаштирилган ва Абонентга тақдим этиладиган хизматлар ҳақида маълумот берувчи, кириш махфий маълумотлар билан (логин ва пароль) ҳимояланган махсус қисми.

**1.11. Фаоллаштириш (ёқиш)** - Абонент ускуналарини Провайдер хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш учун фаол ҳолатга келтириш.

**1.12. Нофаоллаштириш (ўчириш)** - фаоллаштиришга тескари бўлган жараён.

**1.13. Шахсий ҳисоб рақам** - Абонентга берилган, Провайдернинг АҲКТсида ёзилган такрорланмас рақам, у Абонентинг буюрилган ва тақдим этилган хизматлар учун ҳисоб-китоблари тарихини ва жорий ҳолатини акс эттиради, ушбу рақам Абонентнинг тўлов хизматларидан тўловни амалга ошириши учун идентификация рақами - «ID» ҳисобланади .

**1.14. Хизматлар амалқилиш муддати** - Абонент томонидан тўланган календар даври, у Хизматлар тақдим этиладиган ойлар билан ҳисобланади. Календар даври хизматлар тақдим этилган санадан бошлаб ҳисобланади.

**1.15. Рақамли телевидение хизматлари тақдим этиладиганҳудуд (матнда бундан буён “Ҳудуд” деб аталади)** техника меъёрларига жавоб берадиган телевидение сигнали қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.

**1.16. Call-Center** - Абонентларга ахборот-маслаҳат ва техник ёрдам тақдим этиш хизмати, info@uzdtv.uz, +998 78 129 90 00.

**1.17. Провайдернинг жавобгарлик зонаси** - Абонентнинг қабул қилувчи антеннасидан рақамли сигнал қабул қилувчи мосламагача тақдим этилган сигнал сифати, ҳамда Провайдер Хизматларини бошқариш учун ишлатаётган ускуналар.

**1.18. Абонентнинг жавобгарлик зонаси** - Абонент ускуналари, ҳамда Абонент эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи бўлган шахсий идентификация маълумотлари (шахсий ҳисоб рақам, шахсий кабинетда логин ва пароль).

**1.19. Автоматлаштирилган Ҳисоб-Китоб тизими (АҲКТ)** - Абонентларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш, уларнинг Шахсий ҳисоб рақамлари ҳолати, абонент тўловини ҳисоблаш, Хизматларни автоматик равишда бошқариш имкониятини берувчи дастурий воситалар мажмуаси.

**1.20. Абонент тўлови** - Провайдер томонидан Абонентга тақдим этилаётган хизматлар учун ҳар ойлик тариф тўлови.

**1.21. Муддатли тўлов** – Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун тўлаш усули, мазкур Шартномада белгиланган тўлов жадвалига асосан амалга оширилади.
* Муддатли тўлаш шартларида тақдим этиладиган Абонентлик ускунаси.

**1.22** Оператор – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида рақамли телевидение тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва рақамли телевидение хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

**1.23.** Фойдаланувчи – провайдер билан шартнома тузмаган, очиқ теле-, радиоканалларни қабул қилувчи жисмоний шахс.

**1.24** Суғурталовчи – Провайдер билан суғурта қоидаларига мувофиқ Шартнома тузган Суғурта компанияси

**1.25** Суғурта ҳодисаси – шартли йўқотиш даврида абонент қурилмаларини бўлиб тўлаш шартлари бажарилмаганлиги туфайли, Абонент ва Провайдер ўртасида тузилган Шартномани бекор қилиниши

**1.26** Шартли фойдасизлик даври – ушбу Шартномага мувофиқ, Абонентнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли шартнома тугагунга қадар Провайдерга етказилган фойдасизлик даври.

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**2.1.** Провайдер Абонентга Кодланган телеканаллар пакетидан ҳамда Қўшимча хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш бўйича Хизматларни кўрсатади.

**2.2.** Абонент телеканаллар пакетини томоша қилиши билан боғлиқ барча хатарларни ўзига олади, шу жумладан кўриш режимларига, ёшга оид чекловлар, руҳий аҳвол ва ҳоказога риоя қилиш, ҳамда Провайдерга боғлиқ бўлмаган холларда, техник узилишлар ёки кўрсатувларда технологик танаффуслар вужудга келиши мумкинлиги билан розилигини билдиради.

## 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТА ҚДИМ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

**3.1.** Провайдер Ҳудудида амал қилувчи максимал телеканаллар пакетига Абонентлик ускунасидан фойдаланган ҳолда Абонентни ер усти рақамли телевидениеси (РТВ)га улаш шарти билан Хизматларни тақдим этади.

**3.2.** Хизматлар фақат Ҳудудда, Абонентнинг Шахсий ҳисобида пул маблағлари мавжуд бўлиш шарти билан ҳамда Абонент томонидан мазкур Шартнома шартларига амал қилинганида тақдим этилади.

## 4. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ВА У ЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

**4.1.** Шартнома нархи бир марталик тўловлар, муддатли тўлаш шарти билан тақдим этилган Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун тўловлар ва мазкур Шартноманинг 11-бўлимида кўрсатилган ҳар ойлик тўловлардан шаклланади ва Абонент томонидан муддатли тўловлари тўланганидан сўнг, танланган Телеканаллар пакети ўзгариши мумкин. Қўшимча хизматлар ва Сарфланадиган материаллари ҳисоб-фактура ва/ёки бажарилган ишлар далолатномаси билан расмийлаштирилади ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**4.2.** Томонлар Провайдер тасдиқлаган рўйхатлар ва тарифлар бўйича Хизматлар, Қўшимча хизматлар, Сарфланадиган материалларини тақдим этишини келишиб олишди. Амалдаги тарифлар офисларда ва/ёки Провайдер Сайтида кўрсатилган.

**4.3.** Хизматлар ва Қўшимча хизматлар тарифлари, Абонентни мазкур Шартноманинг 4.13-бандига мувофиқ мажбурий хабардор қилиш билан, Провайдер томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилиши мумкин.

**4.4.** Set-Top-Box ёки CAM-модуль фақат 100% тўлов амалга оширилган тақдирдагина Абонент мулкига айланиши мумкин.

**4.5.** Мазкур Шартнома бўйича барча тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – СЎМда амалга оширилади.

**4.6.** Бир марталик тўловлар Абонент томонидан мазкур Шартнома имзоланган санадан бошлаб 100% тўлов сифатида киритилади.

**4.6.1.** Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун муддатли тўлаш, мазкур Шартноманинг 11 бўлимида белгиланган тўлов жадвалига асосан амалга оширилади.

**4.6.2.** Абонент Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун бутун суммасини Провайдерга муддатидан олдин тўлашга ҳақли.

**4.6.3.** Агар Абонент ушбу шартномада белгиланган муддат ичида бўлиб тўлаш йўли билан сотиб олинган Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун навбатдаги тўловни ва ойлик абонент тўловини амалга оширмаса, Провайдер хизмат кўрсатишни бекор қилишга ва Абонентга берилган абонент қурилмаси учун ўтган тўловларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бўлиб тўлаш йўли билан сотиб олинган абонент қурилмаси учун муддати ўтган тўлов амалга оширилмаса, Провайдер ушбу шартнома шартлари Абонент томонидан бажарилмаган / ўрнатилган тартибда бажарилмаслик билан боғлиқ зарарни қоплаш учун Суғурталовчига Абонентга тегишли маълумотларни бериш ҳуқуқига эга.

**4.6.4.** Томонлар Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга беришга ҳақли.

**4.6.5.** Бошқа ҳолларда, Шартномада кўрсатилган 4.6.3. ва 4.6.4. бандларидан ташқари, Томонлар Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ўтказишга ҳақли эмас.

**4.7.** Абонентлик тўловини ҳисоб-китоби Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган ва Хизматлар уланган санадан бошлаб амалга оширилади.

**4.8.** Абонентлик тўлови жорий ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан 100% аванс тўлови шаклида киритилади ва 1 (бир) тақвим ойидан ортиқ бўлган давр учун киритилиши мумкин. Бунда ҳар тақвим ойининг биринчи санасида Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари жорий тақвим ойи учун мазкур Шартноманинг 11-бўлимида кўрсатилган суммага камаяди. Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлмаганида Хизматлар автомат тарзда блокланади.

**4.9.** Абонент томонидан Провайдер Хизматлари 3 (уч) тақвим ойигача тўланмаган тақдирда, Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари тушганида, Хизматлар автомат тарзда Провайдер АҲКТда активлашади. Абонентлик тўлови пул маблағлари тушган санадан қатъи назар тўлиқ жорий тақвим ойи учун ечиб олинади.

**4.10.** Абонент томонидан Провайдер хизматлари 3 (уч) тақвим ойидан ортиқ муддат ичида тўланмаганида (Абонентнинг Провайдер олдида қарздорлиги йўқлиги шарти билан), хабардор қилинмаганида, Абонент Провайдер Хизматларини тиклаш учун 5.4.7-бандга мувофиқ Провайдер манзилига ариза бериш йўли билан Хизматларни Активлаштириш учун тўловни ва Активлаштириш кунида амалда бўлган тарифлар бўйича Абонентлик тўловини тўлайди. Абонентлик тўлови Хизматлар Активлаштирилган санадан бошлаб ечиб олинади.

**4.11.** Абонент ўз Шахсий ҳисоб рақамиида мавжуд бўлган пул маблағлари ҳақидаги маълумотни Провайдер офисларида, Call-Center ва/ёки Шахсий кабинет орқали олиши мумкин.

**4.12.** Қўшимча хизматлар ва/ёки Сарфланадиган материалларининг қиймати Хизматлар кўрсатила бошланган санадан бошлаб Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиб олиш йўли билан тўланади. Қўшимча хизматларни тақдим этиш қўшимча келишувни расмийлаштирмасдан ва Абонент баланси ижобий бўлганида амалга оширилади. Бажарилган Қўшимча хизматлар, фойдаланилган Сарфланган материалларининг ҳажми ва қиймати мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган ҳисоб-фактурада ва бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилади Абонент томонидан буюртма қилинган қўшимча хизматлар учун тўлов ариза берилган ва рўйхатдан ўтган куни 100% тўлов сифатида амалга оширилади.

**4.13.** Тарифларни ўзгартириш улар Провайдер Сайтида жойлаштирилган кундан бошлаб 15 кундан сўнг кучга киради, бунда Абонент киритилган ўзгаришлар ҳақида тегишли тарзда ва ўз вақтида хабардор қилинган ҳисобланади. Тарифлар ўзгаришига рози бўлмаган тақдирда, Абонент Шартноманинг 8.2-бандга мувофиқ Шартномани бекор қилишга ҳақли. Абонент ёзма аризасининг йўқлиги унинг киритилган ўзгаришларга розилигини билдиради ва Провайдер Хизматларини янги тарифлар бўйича тўлаш учун асос ҳисобланади.

**4.14.** Абонент томонидан пул маблағлари нотўғри Шахсий ҳисоб рақамига адашиб ўтказиб юборилганида, пул ечиб олинганидан кейин қолган сумма Абонентнинг тўловни тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Провайдер манзилига тақдим этадиган ёзма аризаси асосида унинг ҳисобига ўтказилиши мумкин. Нотўғри Шахсий ҳисоб рақамига тўланган пул маблағлари ва ариза берилган вақтга ҳақиқий ечиб олинган сумма қайтарилмайди.

**4.15.** Абонент томонидан Абонентлик тўлови учун олдиндан тўлов киритилганида, муддатли тўлаш шарти билан берилган Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун тўлов ҳам худди шу тақвим ойларининг сони учун киритилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУ ҚУ Қ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**5.1.** Провайдер қуйидаги мажбуриятларга эга:

**5.1.1.** Провайдернинг жавобгарлик зонаси доирасида Хизматлар сифатини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўллаш;

**5.1.2.** Абонент ускуналарини ўрнатиш, талабнома келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида, Абонент мазкур Шартноманинг 4-бўлимига мувофиқ тўловни амалга оширганидан сўнг ўрнатилади. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин

**5.1.3.** Хизматларни тақдим этиш, мазкур Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

**5.1.4.** Провайдер Хизматларининг сифати кескин ёмонлашса, Абонентдан талабнома келиб тушгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида носозликларни бартараф этиш, мазкур Шартноманинг 6.5-бандида ва 7-бўлимида келтирилган холатлар бундан истисно. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган холатлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин.

**5.1.5.** Абонентнинг талаби бўйича Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида акс этган ўзаро ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотни тақдим этиш;

**5.1.6.** Абонентга офисларда, Сайтда ёки Провайдер Call-center орқали Хизматлар кўрсатиш тартиби ҳақидаги тўлиқ маълумотни тақдим этиш.

**5.1.7.** Техник зарурат (профилактика ишларини ўтказиш) муносабати билан Хизматлар кўрсатиш вақтинчалик тўхтатилганида, Сайтда ва/ёки “югурувчи сатр”да тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан Абонентни бу ҳақда камида бир сутка олдин хабардор қилиш. Провайдерга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Абонент томонидан бундай хабарлар олинмаган тақдирда, Провайдер Абонентни ўз вақтида хабардор қилмагани учун жавобгар бўлмайди ва бу борада шикоятларни қабул қилмайди.

**5.1.8.** Хизматлар Провайдернинг айби билан кўрсатилмаган ҳолатларда Абонент мурожаат қилганида, Провайдер манзилига ёзма ариза берилган пайтдан бошлаб Абонентлик тўловини қайта ҳисоблашни амалга ошириш;

**5.1.9.** Абонент томонидан пул маблағлари киритилган санадан бошлаб, Провайдерда тўлов тасдиғи мавжуд бўлганида, бир сутка ичида тўланмаганлик учун ўчирилган Хизматларни тақдим қилишда давом этиш.

**5.2.** Провайдер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

**5.2.1.** Абонентни огоҳлантирмасдан, ваколатли орган томонидан Ҳудудда намойиш этишга рухсат этилган телеканаллар Пакетидан у ёки бу теледастурларни қўшиш ёки олиб ташлаш йўли билан телеканаллар Пакетини ўзгартириш;

**5.2.2.** Абонентнинг Шахсий ҳисобида пул маблағлари етмаганида ёки Абонентда Қўшимча хизматлар ва Сарфланган материалларини тўлаш бўйича қарздорлик юзага келганида Хизматларни тақдим этишни тўхтатиш;

**5.2.3.** Ускунани техник ёки бошқа сабабга кўра ўрнатиш имконияти бўлмаганида Хизматларни тақдим этишни рад қилиш, бу ҳолда Абонентдан олинган олиндан тўлов Шартноманинг 8.8-бандига кўра қайтарилади.

**5.3.** Абонентнинг мажбуриятлари:

**5.3.1.** Абонентлик ускунасидан белгиланган техник талабларга мувофиқ фойдаланиш ва сақлаш учун тўлиқ жавоб бериш;

**5.3.2.** Абонентлик ускунаси ишдан чиққанида зудлик билан Провайдерни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш. Фақат шу ҳолатдагина Абонент ёзма мурожаат қилган санасидан Абонент ускуналарини тиклаш санасигача абонент тўлови қайта хисобланади;

**5.3.3.** Абонентлик ускунасини Провайдер офисида тегишли тарзда расмийлаштирмасдан учинчи шахсларга бермаслик. Хабардор қилинмаган тақдирда, Провайдер Абонентлик ускунасининг учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланиши учун жавобгар бўлмайди;

**5.3.4.** Абонентлик ускунасидаги ахборотдан нусха кўчирмаслик, уни ўзгартирмаслик ёки бошқа усулда ундан фойдаланмаслик. Маълумотларни рухсатсиз ишлатиш ман этилади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;

**5.3.5.** Провайдер томонидан кўрсатиладиган Хизматлар ва Қўшимча хизматларни, Set-Top-Box ёки CAM-модуль учун муддатли тўловни мазкур Шартномада белгиланган тартибда ва шартларда ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

**5.3.6.** Провайдер ходимлари хизмат гувоҳномасини ёки кириш рухсатномасини кўрсатганида уларнинг Абонентни Хизматларга улаш учун Абонентлик ускунаси ўрнатиладиган хоналарга ва жойларга тўсиқсиз ўтишини таъминлаш;

**5.3.7.** Хизматлардан фойдаланганда вужудга келган муаммолар ҳақида, шу жумладан телевидение сигнали йўқолганлиги ҳақида дарҳол Call-Center га қўнғироқ қилиб ёки Провайдер офисига мурожаат қилиб, Провайдерга хабар бериш;

**5.3.8.** Мазкур Шартномада кўрсатилган абонентлик маълумотларидаги (фамилияси, исми, шарифи, яшаш жойи, телефон рақами) ўзгаришлар ҳақида, шундай ўзгаришлардан кейин 5 кунлик муддат ичида Провайдерни ёзма равишда хабардор қилиш;

**5.3.9.** Янги ахборот хабарномалар, Хизматлар бўйича тарифлар ўзгариши, Қўшимча хизматлар рўйхати, Хизматлар ўчирилиши, профилактика ишлари, қарздорлик мавжудлиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиш учун, Провайдер Сайтини/Шахсий кабинетини мунтазам равишда, ҳафтада камида бир маротаба танишиб туриш;

**5.3.10.** Фойда олиш мақсадида, шу жумладан кабель ва бошқа телевидениега уланган ҳолда, ускунадан оммавий намойиш қилишни, келгусида ретрансляция қилиш учун дастурларни кўчиришни амалга оширмаслик, шунингдек Абонентлик ускунасидан мазкур Шартномада кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланмаслик;

**5.3.11.** Унга берилган шахсий идентификация маълумотларининг махфийлигини таъминлаш.

**5.3.12.** Муддатли тўлаш шарти билан берилган Set-Top-Box ёки CAM-модуль Абонентнинг айби билан ишдан чиққан тақдирда тўланмаган сумманинг қолган қисмини тўлаш.

**5.4.** Абонентнинг ҳуқуқлари:

**5.4.1.** Мазкур Шартномада кўзда тутилган Хизматлар ва Қўшимча хизматларни олиш;

**5.4.2.** Провайдер офисларида, сайтида ёки Call-Center орқали ўз Шахсий ҳисобининг ҳолати ҳақидаги маълумотни сўраб олиш, Хизматлар бўйича зарур маслаҳатларга эга бўлиш, мазкур Шартномада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш. Сўров амалга оширилганида Абонент ўз абонентлик маълумотлари ҳақида: Шартнома рақами, Шахсий ҳисоб рақами (ID) ва Абонентлик ускунаси ҳақидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур;

**5.4.3.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мазкур Шартномадаги мажбуриятлар бўйича Провайдерга шикоятлар тақдим этиш;

**5.4.4.** Агар, Абонентда бошқа шартномаларга мувофиқ бошқа уланиш нуқталари мавжуд бўлиб, у муддатли тўлов асосида сотиб олаётган Set-Top-Box ёки САМ-модуль учун тўловни тўлиқ амалга оширган тақдирда, барча шартномлар бўйича очилган шахсий ҳисоб рақамларини бирлаштиришга;

**5.4.5.** Муддатли тўлаш йўли билан харид қилинган Set-Top-Box ёки САМ-модуль учун тўлиқ сумма тўланганидан сўнг, Провайдерни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Set-Top-Box ёки САМ-модулни учинчи шахсларга бериш. Хабардор қилмаган тақдирда, Провайдер Set-Top-Box ёки САМ-модулнинг учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланилиши учун жавобгар бўлмайди;

**5.4.6.** Муддатли тўлаш йўли билан харид қилинган Set-Top-Box ёки САМ-модуль учун тўлиқ сумма тўланганидан сўнг, жорий тақвим ойи тугайдиган санагача 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан Провайдерга ёки Шахсий кабинетга ариза юборган ҳолда Телеканаллар Пакетини алмаштириш. Хизмат қиймати Провайдер Сайтида кўрсатилган. Бунда ўзгаришлар кейинги тақвим ойининг биринчи санасида ва фақат Абонентнинг баланси ижобий бўлганида амалга оширилади;

**5.4.7.** "Вақтинчалик ўчириш" Қўшимча хизматига буюртма берган ҳолда 12 – тақвим ойигача Абонентлик тўловини ҳисобламасдан, Хизматлардан фойдаланишни вақтинчалик тўхтатиш. Хизмат қиймати Провайдер сайтида кўрсатилган. Бу хизматдан Абонентга муддатли тўлаш шарти билан берилган Set-Top-Box ёки САМ-модуль учун бутун сумма тўланганидан кейин, Абонент баланси ижобий бўлганида, Провайдерга Хизмат деактивлаштириладиган санагача 3 (уч) ой ичида ушбу Хизматдан фойдаланиш режалаштирилаётган тақвим ойининг 1-санасигача ариза тақдим этиш ёки аризани Шахсий кабинет орқали расмийлаштириш йўли билан фойдаланиш мумкин. Ариза тақдим этилмаган ёки у кўрсатилган муддатдан кейинроқ тақдим этилган тақдирда, Абонентлик тўлови умумий асосларда ҳисоблаб ёзилади ва у қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Агар "Вақтинчалик ўчириш" Хизматидан фойдаланаётган Абонент Провайдер Хизматини муддатидан олдин активлаштиришни истаса, у Хизматдан фойдаланиш бошланадиган санадан қатъи назар, бутун жорий ой учун Абонентлик тўловини тўлайди.

**5.4.8.** Шартноманинг 8.2-бандига мувофиқ Провайдер билан шартномани бекор қилиш.

**5.4.9.** Хизматлардан суткасига 24 (йигирма тўрт) соат, ҳафтасига 7 (етти) кун фойдаланиш, Провайдер, узатувчилар томонидан режали профилактика ва регламент ишларини ўтказиш учун танаффуслар бундан мустасно бўлиб, улар ўтказилиши ҳақида Провайдер Сайтида ва/ёки "югурувчи сатр"да маълум қилинади.

**5.4.10.** Абонентга берилган Set-Top-Box ёки САМ-модулни Томонлар тарафидан ҳисоб-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб **ўн кун ичида** алмаштириб олиш ёки қайтариш. Агар Set-Top-Box ёки САМ-модул ишлатилмаган бўлса, унинг истеъмолчилик хусусиятлари сақланган бўлса ва у Провайдердан харид қилинганига далиллар мавжуд бўлса, Абонентнинг Set-Top-Box ёки САМ-модулни алмаштириш ёки қайтариш тўғрисидаги талаби қондирилади.

**5.4.11** Ушбу Шартноманинг 5.4.10. бандига мувофиқ, Set-Top-Box ёки САМ-модул қайтарилган тақдирда, Абонент томонидан Set-Top-Box ёки САМ-модул учун тўланган тўлов 15 банк куни ичида, Провайдерга ариза тақдим этилган кундан бошлаб, қайтариб берилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**6.1.** Провайдер амалдаги стандартларга мувофиқ телевизион сигнал сифатини таъминлайди ва ўз мажбуриятларини мазкур Шартномада ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва шартларда бажарилиши учун жавобгар бўлади.

**6.2.** Провайдернинг айби билан мазкур Шартнома бўйича Қўшимча хизматларни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун Провайдер Абонентга муддати ўтган ҳар бир кун учун кўрсатилмаган қўшимча хизматлар ҳажмининг 0,5% миқдорида, бироқ тақдим этилмаган Хизматлар қийматининг 50% дан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**6.3.** Абонент томонидан Қўшимча Хизматлар ва/ёки Сарфланадиган материаллар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Абонент Провайдерга муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдорида, бироқ кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

**6.4.** Абонент Провайдер Хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади. Нотўғри Шахсий ҳисоб рақамига тўланган маблағларни қолган қисми ўтказилиши мазкур Шартноманинг 4.14-бандига мувофиқ амалга оширилади.

**6.4.1.** Мазкур Шартноманинг 4.6.2, 4.6.3 бандларида кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни узиш муддатлари тугаганидан сўнг Шартнома бўйича узилмаган қарздорлик суммасининг кечиктирилган ҳисобланади, бунда Абонент ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктрилган қарздорлик суммасининг 2% миқдорида, бироқ кечиктирилган қарздорлик суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима (пеня) тўлаш мажбуриятини олади.

**6.5.** Провайдер қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

**6.5.1.** Абонентлик ускунаси носоз бўлган ёки Абонент томонидан нотўғри фойдаланилганлиги оқибатида, хамда Провайдерга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра телевизион сигнали сифатсиз қабул қилинганлиги учун;

**6.5.2.** Телевизион дастурларнинг мазмуни учун;

**6.5.3.** Ускуналар, дастурий таъминот алмаштирилиши ёки Провайдернинг техник тизимларининг иш қобилиятини сақлаш ва ривожлантириш зарурияти билан боғлиқ холда ўтказилаётган ишлар вақтида Хизмат тақдим этиши тўлиқ ёки қисман тўхтатилганлиги учун;

**6.5.4.** Электр тармоқ кучланиши, ҳарорат режими, Абонентнинг телевизор ускунаси техник талабларга жавоб бермаслиги каби фойдаланиш учун нормал шароитлар мавжуд эмаслигида, тасвир сифати ёмонлигида.;

**6.5.5.** Абонентлик ускуналари ишдан чиқиши;

**6.5.6.** Абонент томонидан мазкур шартнома шартлари бажарилмаслиги учун;

**6.5.7.** Оператор томонидан сигнал узатиш стандарти ўзгартирилгани учун;

**6.5.8.** Дастурлар жадвали ўзгариши ёки телеканал Пакетида у ёки бу канал намойиш этилиши тугатилганлиги (тўхтатилганлиги) ;

**6.5.9.** Абонент ускуналари мустақил ва/ёки учинчи шахслар томонидан ўрнатилган бўлса, телевидение сигнали сифатсиз қабул қилиниши учун;

**6.6.** Пеняни тўлаш Томонларни мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди;

**6.7.** Томонларнинг мазкур Шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қўлланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР

**7.1.** Томонлар мазкур Шартнома имзолангандан кейин юзага келган енгиб бўлмас куч ҳолатлари келтириб чиқарган шартномавий мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмагани учун жавобгарликдан озод этилади. Бундай ҳолатларга, хусусан, қуйидагилар киритилиши мумкин: табиий офатлар, табиий ва саноат фожеалари, террорчилик ҳаракатлари, жанговар ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан Томонларнинг мазкур Шартнома бўйича фаолиятига доир тақиқлар ёки чекловларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг қабул қилиниши, сунъий йўлдошдан олинадиган сигналнинг йўқлиги ёки унинг пасайиб кетиши ва олдиндан кўриб бўлмайдиган ёки олдини олиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар.

**7.2.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келганида, Томонлар тарафидан шундай мажбуриятларнинг бажарилиш муддати шундай ҳолатлар амал қиладиган вақтга ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун талаб қилинадиган вақтга мутаносиб равишда, бироқ 60 (олтмиш) тақвим кунидан ортиқ бўлмаган муддатга кўчирилади. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари кўрсатилган муддатдан ортиқ даврда амал қилишда давом этса ёки улар юзага келганида иккала Томонга ҳам улар шу муддатдан узоқроқ вақт давом этиши аён бўлса, Томонлар мазкур Шартномани бажаришнинг муқобил усуллари имкониятини ёки уни зарарларни қопламасдан тўхтатиш имкониятини муҳокама қилиш мажбуриятини олади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**8.1.** Мазкур Шартнома Томонлар тарафидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва у Томонлар тарафидан бекор қилингунга қадар ёки тўхтатилгунга қадар муддатсиз характерга эга бўлади.

**8.2.** Абонент, кўрсатилган Хизматлар ва унга муддатли тўлаш шарти билан берилган Set-Top-Box ёки САМ-модул учун Провайдер олдида қарздорлик йўқлиги шарти билан, Провайдерга паспортининг асл нусхаси илова қилинган ёзма аризани юборган ҳолда, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли. Фойдаланилмаган давр учун Абонентлик тўловининг суммаси Абонент ёзма мурожаат қилган санадан бошлаб 15 банк куни ичида қайтарилади. "Уланиш" ҳизмати учун тўланган пул қайтариб берилмайди .

**8.3.** Абонент Set-Top-Box ёки САМ-модул учун қарздор бўлса, навбатдаги тўлов тўланиши кечиктирилаётган кундан бошлаб, 45 календар кун ўтгач, Провайдер ушбу Шартномани ва хизматларни тақдим этишни бир томонлама бекор қилишга ҳақлм ва ушбу шартнома шартлари Абонент томонидан бажарилмаган /ўрнатилган тартибда бажарилмаслик билан боғлиқ зарарни қоплаш учун Суғурталовчига, Абонентга тегишли маълумотларни бериш ҳуқуқига эга.

**8.4** Ушбу шартноманинг 8.2., 8.3. бандларига мувофиқ, Шартнома бекор қилингандан сўнг, янгиланиши амалга оширилмайди. Ушбу Шартнома бекор қилингандан сўнг, Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағи Провайдер хизматларини қайта тиклаш учун асос бўла олмайди. Абонент Провайдер хизматларидан фойдаланиши учун янги Шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

**8.5** Шартнома бекор қилингандан сўнг, абонент қурилмаси Провайдерга асоссиз қайтарилган тақдирда, Set-Top-Box ёки САМ-модулнинг тўловларидаги нархига фоиз нисбатидан қатъий назар, аввал тўланган тўлов Абонентга қайтарилмайди. Қайтарилган Set-Top-Box ёки САМ-модул, ушбу Шартномаданинг 4 ва 6 бўлимларида кўзда тутилган Провайдер билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш мажбуриятларидан озод қилмайди.

**8.6.** Абонент томонидан учинчи шахсларга Хизматлардан рухсатсиз фойдаланиш имкониятини тақдим этишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган тақдирда, Провайдер Абонентга бирор-бир неустойкани қопламасдан ва унга сарфланмаган пул маблағларини қайтармасдан мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**8.7.** Провайдер фаолияти тугатилганида, Шартнома бекор қилинади .

**8.8.** Абонент ускунасини техник жиҳатдан ёки бошқача тарзда ўрнатиш имконияти бўлмаганида Шартнома бекор қилинади, пул маблағлари Провайдерга ариза тақдим этилган санадан бошлаб 15 банк куни ичида қайтарилади.

**8.9.** Мазкур Шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар Провайдернинг Сайтида чоп этилади. Абонент Шартномага киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга рози бўлмаган тақдирда, Шартномани 8.2-бандга мувофиқ бекор қилиши мумкин. Абонентнинг ёзма аризаси йўқлиги, унинг Шартномага киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга розилиги ҳисобланади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

**9.1.** Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар иложи борича Томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Томонларнинг ўзаро розилигига эришиш имкони бўлмаган тақдирда, юзага келган низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ судда кўриб чиқилади.

## 10. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

**10.1.** Абонент мазкур Шартномани тузиш вақтида Хизмат тақдим этилишининг барча шартлар, шу жумладан Провайдернинг рақамли телевидение сигналини қабул қилиш техник имкониятлари мавжуд Худуд хақида, амалдаги тарифлар ҳақида хабардор қилинганлиги ва Абонент Хизматлар тақдим этиш шартлари ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумот берилгани билан боғлиқ эътирозлари Провайдерга нисбатан йўқлигини тасдиқлайди.

**10.2.** Шартнома ҳар бир Томон учун бир нусхадан бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

**10.3.** Провайдернинг Қўшимча хизматларга кафолатли муддати бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 1 тақвим ойи даврига белгиланади. Бу даврда Абонентнинг айби билан носозликлар юзага келган тақдирда, Провайдер мутахассисларини чақириш уларни чақирув кунида амалда бўлган тарифларга мувофиқ тўланади.

**10.4.** Абонентлик ускунасига кафолат ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади, Абонент сервис марказига мустақил равишда мурожаат қилганида у Абонентлик ускунасининг сифати ва ишлаш қобилияти бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Сервис марказлари ҳақидаги маълумотни Провайдер офисларида, сайтда ёки Call-Center орқали олиш мумкин.

**10.5.** STB қурилмаси учун кафолат муддати Абонент томонидан Хизматлар (Уланиш ва абонент тўлови) учун тўловларни амалга оширган кундан бошлаб 12 ой муддатга белгиланади .

**10.6.** САМ модуль учун кафолат муддати Абонент томонидан Хизматлар (Уланиш ва абонент тўлови) учун тўловлар амалга оширилган кундан бошлаб 1 ой муддатга белгиланади .

**10.7.** Абонент ўзи тақдим этган алоқа телефони рақамларига Провайдер томонидан SMS хабарлар юборилишига розилигини тасдиқлайди.

**10.8** Қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча хизматлар учун кафолат муддати, ишлар тугалланганлиги тўғрисида далолатнома имзоланган кундан бошлаб, 1 календар ойига белгиланади. Абонентнинг/Фойдаланувчининг айби билан ушбу давр мобайнида носозликдар юзага келган тақдирда, қўшимча хизматлар учун тўловлар амалдаги тарифларга мувофиқ тўланади.

## 11. ХИЗМАТЛАР, УСКУНА ВА САРФЛАНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ҚИЙМАТИ*

**Мазкур Шартнома бўйича бир марталик тўловлар**:

| № | Ускуналар ва хизматлар номланиши | Ўлчов бирлиги | Нархи, СЎМ | Миқдфи | Жами, СЎМ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| ЖАМИ | | | | | |

**Мазкур Шартнома бўйича муддатли тўлаш шарти билан бериладиган Set-Top-Box ёки САМ-модуль учун тўловлар жадвали:**

| Ой | Жами қарз | Тўлов миқдори | Тўлов санаси | Қарзқолдиғи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| 4 | | | | |
| 5 | | | | |
| 6 | | | | |
| 7 | | | | |
| 8 | | | | |
| 9 | | | | |
| 10 | | | | |
| 11 | | | | |

**Мазкур Шартнома бўйича муддатли тўлаш шарти билан бериладиган Абонентлик ускунаси учун тўловлар:**

| № | Ускуна номи | Ўлчов бирлиги | Нархи, СЎМ | Миқдори | Жами, СЎМ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| | **ЖАМИ** | | | | |

**Мазкур Шартнома бўйича ойлик тўловлар:**

| № | Телеканаллар пакетининг номланиши** | Ускуна ўрнатилган манзил (хизмат манзилидан) | Ўлчов бирлиги | Абон. тўлови | Миқдори | Жами, СЎМ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | |
| | **ЖАМИ** | | | | | |

***Хизматлар, ускуна ва қўшимча сарфланадиган материалларининг қиймати шартнома имзоланган пайтга кўрсатилган.**
****Абонентлик ускунаси муддатли тўлаш шарти билан харид қилинганида Провайдер Хизматларига уланиш фақат "Микс" ва "Микс Т2" Телеканаллари пакетига амалга оширилади**
**Тўлов Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта – сўмда амалга оширилади. Барча нархлар ҚҚС билан бирга кўрсатилган.**

| Реквизитлар: | Провайдер: UZDIGITAL TV | Абонент: |
|---|---|---|
| ПРОВАЙДЕР «UzdigitalTV» МЧЖ<br>Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод т., Ойбек кўчаси, 30.<br>ҳисоб рақами:20208000404813150001<br>«АЛОҚАБАНК» АТ да Тошкент ш.<br>МФО: 00401 СТИР:207027936 ОКЭД: 61 100<br>E-mail: info@uzdtv.uz Телефон: (+998 78) 12900 | Имзо: М.Ў | Имзо: ✔ |